

2-эпизод: [REDACTED] фуқароларни алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани такроран, хавфли рецидивист томонидан қўлга киритиш мақсадида, ўзининг олдиндан тузиб қўйган жиноий режаси асосида, фуқароларнинг ишончига кириш учун гўёки ўзини “Минор” номли қабристонда қабрларга мармар тоши ясашиб, ўрнатиб берувчи уста сифатида кўрсатиб, фуқаро [REDACTED] га “Минор” қабристонидagi мархум онаси ва акасининг қабрига 7 кун муддат ичида мармар тош ясаб, ушбу мармар тошни қабрга ўрнатиб беришини ваъда бериб, 2020 йил 5 августдан 2020 йил 8 августга қадар бўлган вақт оралиғида [REDACTED] дан бўлиб-бўлиб жами 3.700.000 сўмни олиб, берган ваъдасини бажармасдан, пулларни ўз эҳтиёжига ишлатиб юборган.

3-эпизод: [REDACTED] фуқароларни алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани такроран, хавфли рецидивист томонидан қўлга киритиш мақсадида, ўзининг олдиндан тузиб қўйган жиноий режаси асосида, фуқароларнинг ишончига кириш учун гўёки ўзини “Минор” номли қабристонда қабрларга мармар тоши ясашиб, ўрнатиб берувчи уста сифатида кўрсатиб, фуқаро [REDACTED] га “Минор” қабристонидagi мархум буваси [REDACTED] нинг қабрига 10 кун муддат ичида мармар тош ясаб, ушбу мармар тошни қабрга ўрнатиб беришини ваъда бериб, 2020 йил 15 августдан 2020 йил 11 сентябрга қадар бўлган вақт оралиғида Олмазор туманида жойлашган Тошкент давлат техника университети ёнида [REDACTED] дан бўлиб-бўлиб жами 200 АҚШ долларини олиб, берган ваъдасини бажармасдан, пулларни ўз эҳтиёжига ишлатиб юборган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотномасига кўра, 11.09.2020 йил ҳолатига 1 АҚШ доллари Ўзбекистон Республикаси миллий сўмига нисбатан қиймати 10.274,17 сўмга тенг бўлиб, 200 АҚШ доллари 2.054.834 сўмни ташкил қилган.

Судланувчи [REDACTED] айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, судда 2020 йил июнь ойида “Минор” қабристонидa ишлаб юрганида, [REDACTED] билан танишиб қолганини, унга қабристонда қабрларга мармар тошини қўйиш билан шуғулланиб келишини айтганини, [REDACTED] ундан турмуш ўртоғининг қабрини тозалаб беришини сўраганини, [REDACTED] га турмуш ўртоғининг қабрини мармар тошлар билан ўратиб қўйишини айтиб, мармар тошни ўзи ясашиб қўйиб беришини айтганини, орадан 1 ҳафта ўтганидан сўнг, [REDACTED] қабристонга келиб, уни турмуш ўртоғининг қабри ёнига чақиртирганини, [REDACTED] нинг олдида борганида, у турмуш ўртоғининг қабрини мармар тош билан ўратиб ясаптиришини айтганини, [REDACTED] ушбу харажатлар қанча бўлишини айтганида, [REDACTED] га жами барча хизмат ҳақи билан ушбу ишни 9.700.000 сўмга қилиб беришини айтганини, [REDACTED] унга у айтаётган пул қиймати биров қимматлик қилишини айтганида, [REDACTED] га шу ерда бир кунлик ишлаб юрган, унга нотаниш ёлланма ишчи билан турмуш ўртоғининг қабрини атрофини ўлчаганини, қабр атрофини ўлчаб бўлиб, ушбу харажатлар хизмат ҳақи билан жами 8.880.000 сўм бўлишини айтганини, ушбу пулни ичида уста ҳақи жами 600.000 сўм ва иш ҳақи 1.000.000 сўм бўлишини айтганини,



██████████ унинг таклифига рози бўлиб, пулларни бўлиб-бўлиб беришга келишганини, ██████████га ишни бошлаш учун заклат тариқасида пул беришини айтганида, у унга йўл қатнов қисмида турган автомашинасидан 1.000.000 сўм олиб берганини, ██████████дан олган 1.000.000 сўм пулларга унинг турмуш ўртоғини қабрига мармар сотиб олиш учун “Дамас” русумли автомашинаси ҳайдовчига 700.000 сўм бериб, “Ўрикзор” бозоридан мармар олиб келиб беришини айтиб, йўл кира ҳақини келганидан сўнг беришини айтганини, такси ҳайдовчиси ушбу пулга мармар тошни олиб келиб берганидан сўнг, такси ҳайдовчисига йўл кира ҳақи учун 100.000 сўм берганини, ушбу мармарни қабристонни ўзида ёлланма ишчи чақиртириб, устага 550.000 сўм пул бериб, мармарни кесиб, ██████████ни турмуш ўртоғини қабрини пастки қисмига мармар тоши қўйдиртирганини, ушбу мармарни ёпиштириш учун мўлжалланган елим клейни 100.000 сўмга сотиб олганини, орадан бир ҳафта ўтиб ██████████ қабристонга келиб, унга яна қабристон ташқарисидаги йўл қатнов қисмида 1.000.000 сўмни берганини, ушбу 1.000.000 сўмдан ўзини ёнидан ишлатган 450.000 сўмни олиб қолиб, 420.000 сўмга цемент, клинес, арматура олганини, қолган 120.000 сўмни ўз эҳтиёжлари учун ишлатганини, орадан яна бир ҳафта ўтганидан сўнг, ██████████ унга яна 3.500.000 сўмни қабристон ташқарисида берганини, унга шу пайт пул зарурлиги сабабли, ушбу пулларни эҳтиёжи учун ишлатиб юборганини, ██████████ни турмуш ўртоғининг қабри учун бошқа ҳеч қандай ишларни бажармаганини, орадан тахминан 10-15 кун ўтганидан сўнг, пул зарур бўлгани сабабли, ██████████га қўнғироқ қилиб, мармар тош учун яна 2.000.000 сўм кераклигини айтиб алдаганини, ██████████га 2.000.000 сўм берса, ушбу тош нархини 500.000 сўмга арзон қилиб беришини айтганини, шу куни ██████████ билан Роҳат айланма йўли олдида кўришиб, ундан 200 АҚШ доллари олганини, ушбу пулларни ҳам эҳтиёжлари учун ишлатганини, шу сабабли ██████████ни турмуш ўртоғини қабрини охиригача битказа олмаганини, 2020 йил 15 август куни “Минор” қабристонидида ишлаб юрганида, ██████████ билан танишиб қолганини, ██████████ унга бувасини қабрига ёнида жойлашган қабрдаги мармар тошга ўхшаш тош қўйиб беришини, мармар тошга эса “██████████” деб ёзиб беришини айтганини, ушбу харажатлар иш ҳақи билан жами 350 АҚШ доллари бўлишини, иш бошлаши учун заклат тариқасида 175 АҚШ доллари беришини айтганини, ушбу 350 АҚШ доллари пулни ичида уста ҳақи 480.000 ва иш ҳаққи 500.000 сўм бўлишини ҳам айтганини, шу пайт ██████████ унга ёнида 50 АҚШ доллари борлигини, қолган пулни 3-4 кун ичида етказиб беришини айтганини, у ишни қачон битириб беришини сўраганида, ██████████га мармарни 2 ҳафталар ичида тайёрлаб қўйиб беришини айтганини, орадан 3-4 кун ўтиб ██████████ билан ТДТУни олдида кўришиб, ундан 100 АҚШ доллари олганини, ██████████дан бўлиб-бўлиб олган жами 150 АҚШ долларига ҳеч қандай иш қилмаганини, 2020 йил 11 сентябрь куни ██████████ билан ТДТУни олдида яна кўришиб, ундан 50 АҚШ доллари олганини, ██████████дан олган пули жами 200 АҚШ долларини ташкил қилганини, эртаси куни 2020 йил 12 сентябрь куни мармар



тоши сотиб олиш учун ҳайдовчиси нотаниш бўлган “Дамас” русумли таксига 600.000 сўм бериб, 6 кв.м мармар тошини “Ўрикзор бозори”дан сотиб олиб келишини айтиб, йўл кира ҳақини мармар тоши олиб келганидан сўнг беришини айтганини, такси орадан маълум муддат ўтганидан сўнг, унга мармар тошини олиб келганидан сўнг, такси ҳайдовчисига йўл кира ҳақи учун 100.000 сўм берганини, 220.000 сўмга цемент ва клинес сотиб олиб, нарсаларни олиб келиш учун 50.000 сўм сарфлаганини, мармарни [REDACTED] ни бувасини қабрига ўрнатиш учун уста ёллаб, устага иш ҳақи сифатида 480.000 сўм берганини, уста қабрни пастки қисмини бир кун муддатда битирганини, [REDACTED] га қўнғироқ қилиб, ишни 70 % битганини, қабрни устки қисми учун, маблағи йўқлиги сабабли, ишни қолган қисмини битириб беришини айтганини, [REDACTED] унга ҳозирда пули йўқлигини, ишни тугатганидан сўнг пулни қолган қисмини беришини айтганини, [REDACTED] нинг унга берган 200 АҚШ долларидан 1.530.000 сўми ҳом ашё ва уста ҳақи, қолган пули эса хизмат ҳақи учун олинганини, [REDACTED] унга қолган пулни бермагани учун, иш чўзилиб қолганини, [REDACTED] дан марҳум онаси ва акалари қабрига мармар тош қўйиб беришини айтиб, ушбу харажатлари жами иш ҳақи билан қўшганда 4.700.000 сўмга келишиб, ундан бўлиб-бўлиб жами 3.700.000 сўм пулни қўлга киритганини, ишни бир ҳафта ичида битириб беришини айтганини, ушбу пулга қабрни атрофини бетон билан ўраб, бетонни атрофини мармар билан қоплаб, мармар устини фаскали ва думалоқ шаклдаги мармар билан ясаиб, ўрнатиб бериш, қабрни чуқур жойларини тупроқ билан тўлдириш керак бўлганини, 3.700.000 сўмга қабрни пастки қисмини 50% қисмини бетон билан ўраб, бетонни мармар билан қоплаб берганини, қолган ишларини эса бажармаганини, сабаби ушбу пулдан 2.000.000 сўмини қабр учун эмас, балки ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборганини, қилган ишидан чин кўнгиладан пушаймондалигини, моддий аҳволи ёмонлигини, қариндошлари томонидан жабрланувчиларга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини баён этиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Гарчанд судланувчи [REDACTED] айбига тўлиқ иқроп бўлса-да, унинг айби қуйида келтирилган далиллар, яъни

жабрланувчи [REDACTED] нинг дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, судда 2020 йил [REDACTED] ойининг охирида турмуш ўртоғи [REDACTED] қазо қилганини, уни “Минор” қабристонига дафн қилганини, орадан бироз вақт ўтиб июль ойининг бошларида турмуш ўртоғининг қабрини зиёрат қилгани келганида, у ерда [REDACTED] билан танишганини, у уни олдидан иш кийимида, ер қазиш учун мўлжалланган меҳнат қуролларини кўтариб ўтиб кетаётганида, [REDACTED] унга ўзининг телефон рақамини бериб, агарда қабр тоши ва бошқа сувоқ каби ишларни қилиш лозим бўлса, қўнғироқ қилишини айтганини, орадан бир ҳафта ўтганидан сўнг, ҳафтанинг жума куни яна қабристонга турмуш ўртоғининг қабрини зиёрат қилишга борганини, келганида турмуш ўртоғининг қабрини ёнига яна бошқа оламдан ўтган шахснинг дафн қилишганини, турмуш ўртоғининг қабри устидаги тупроқлар сочилиб, тартибсиз ҳолатга келиб



қолганини кўриб, ушбу ҳолатдан бироз жаҳли чиқиб нолиб турганида, уни ёнига [REDACTED] келиб, ундан нима бўлганини сўраганида, унга қабрнинг устидаги тупроқлари сочилиб, тартибсиз ҳолатга келиб қолганини айтганида, [REDACTED] унга агарда қабр устини мрамар тошлари билан ўраб чиройли ҳолатга келтирмаса, бундан ҳам ёмон ҳолатга келишини айтганини, аслида шу пайт [REDACTED] уни алдаб ишончига киришни бошлаганини, [REDACTED]нинг гапларига ўйланиб ҳақиқатдан ҳам у айтгандай ҳолатда турмуш ўртоғининг қабрини мрамар тош билан чиройли ҳолатга келтиришини ўйлаб, [REDACTED]га юзланганини, [REDACTED] эса уни алдашда давом этиб унга қабрларни устини чиройли ҳолатга келтириб, “оқ лодка ва қора” мрамар тошларидан ясаб беришини айтганини, [REDACTED]дан ушбу ишларни барчасини неча пул бўлишини сўраганида, у унга барчаси хизмат ҳақи билан ушбу ишни 9.700.000 сўмга қилиб беришини айтганини, [REDACTED]га айтаётган пул қиймати бироз қимматлик қилишини айтганида, у шу вақтнинг ўзида ушбу ерда қанча миқдордаги мрамар тоши ишлатилиши мумкинлигини аниқлаш учун қабр атрофини ўлчаганини, [REDACTED] қабр атрофини ўлчаб бўлиб, ўйлаганидан камроқ ҳажм чиққанини, шунга кўра жами 8.880.000 сўмга ушбу ишни амалга ошириб беришини ваъда қилганини, [REDACTED]нинг таклифига рози бўлиб, унга пулларни бўлиб-бўлиб беришга келишганини, [REDACTED] унга ишни бошлаш учун заклат тариқасида пул беришини айтганида, унга 1.000.000 сўмни қабристон ташқарисида йўл қатнов қисмида берганини, орадан бир ҳафта вақт ўтиб ҳафтанинг жума куни тушлиқдан олдин яна турмуш ўртоғининг қабрини зиёрат қилиш учун “Минор” қабристонига келиб, [REDACTED] билан учрашганини, шу куни [REDACTED] қабр атрофига цемент билан сувоқ қилганини кўрганини, [REDACTED] билан гаплашганида, у бошлаган ишини тезкорлик билан амалга ошириб беришини айтиб, уни ишончига киришда давом этганини, шу куни [REDACTED]га яна қабристон ташқарисида йўл қатнов қисмида 1.000.000 сўм берганини, орадан яна бир ҳафта ўтганидан кейин уни тоби бироз бўлмагани боис [REDACTED] билан гаплашиб, унга келишилган пулларни тезроқ бериб юбориб кутилмоқчи эканини айтганини, кейинги жума куни қабристонга бориб [REDACTED]га 3.500.000 сўмни берганини, шу куни унга [REDACTED] мрамар тошларни кутаётганини, тез кунларда ишни битириб беришини ваъда қилганини, шу орада яна 10-15 кун вақт ўтганидан сўнг [REDACTED] унга кўнғироқ қилиб, мрамар тошлар келганини, яна 2.000.000 сўм берса, ушбу тош нархи унга 500.000 сўмга арзон бўлишини айтиб алдаган ҳолда уни қизиқтирганини, [REDACTED]нинг гапларига ишонганини, [REDACTED] унга ушбу айтаётган мрамар тоши Самарқанд вилоятидан келганини, агар ушбу тошни олса, у лодка кўринишига келтириб ишлов беришни бошлашини айтганини, [REDACTED] билан Роҳат айланма йўлида кўришиб, унга 200 АҚШ долларини берганини, орадан 5-6 кун ўтганидан кейин [REDACTED] билан гаплашиб, унга ишлари чўзилиб кетаётганини, унга бошқача ваъда берганини айтганида, [REDACTED] унга қора мрамар тоши топилмаётганини, шунинг учун иш чўзилаётганини, бироз сабр қилишини айтиб уни алдаганини, орадан яна 10-15 кун ўтганидан кейин [REDACTED]га кўнғироқ қилганида, унинг телефон



рақами ўчирилганини, сўнг уни қидириб “Минор” қабристонига борганида ушбу ерда унга учраган шахслар [REDACTED] ни ёлғончи фирибгар эканини, уни алданганини сабаби [REDACTED] ундан бошқа шахсларни ҳам худди шундай алдаганини, [REDACTED] аслида қабристонда умуман ишламаслигини айтишганини, ҳозирда [REDACTED] нинг қариндошлари томонидан унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини, пуллари тўлиқ қайтарилганини, унга нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини баён этиб берган кўрсатуви;

жабрланувчи [REDACTED] нинг дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, судда 2019 йил [REDACTED] куни буваси [REDACTED] қазо қилганини, уни “Минор” қабристонига дафн қилганини, 2020 йил 15 август куни буваси [REDACTED] ни зиёрат қилиш учун борганини, зиёрат қилаётганида, буваси [REDACTED] ни қабрига мармар тош қўйиш мақсадида, ушбу мазорда ишловчи, ўзини унга “[REDACTED]” деб таништирган шахс билан гаплашганини, [REDACTED] бувасини қабри ёнида жойлашган қабрдаги мармар тошга ўхшаш тош қўйиб беришини, мармар тошга эса “[REDACTED]” деб ёзиб беришини айтганини, ушбу таклифга рози бўлиб, жами 350 АҚШ доллари эвазига қабрга мармар тош қўйиб беришга келишганини, [REDACTED] га ёнида бўлган 50 АҚШ долларини берганини, [REDACTED] дан ишни қачон битириб беришини сўраганида, [REDACTED] унга мармарни 10 кун ичида тайёрлаб қўйиб беришини айтганини, орадан бир ҳафта ўтганидан сўнг, [REDACTED] билан ТДТУни олдида кўришиб, [REDACTED] га 100 АҚШ долларини берганини, ундан ишлар нима бўлаётганини сўраганида, у ишлар бўлаётганини, яна оз қолганини айтганини, 2020 йил [REDACTED] куни [REDACTED] билан ТДТУни олдида кўришиб, унга 50 АҚШ доллари берганини, ундан ишлар қачон бўлишини сўраганида, у унга икки кун ичида мармар тайёр бўлишини айтганини, орадан 2 кун ўтганини, аммо [REDACTED] ваъдасини бажармагани учун, унга телефон қилганида, у қўнғироқларига жавоб бермаганини, орадан 2 кун ўтгандан сўнг, [REDACTED] га телефон қилганида, [REDACTED] телефонида жавоб бермаганини, кейин [REDACTED] умуман қўнғироқларига жавоб бермасдан, уни алдаб ишончига кирган ҳолда, ундан 200 АҚШ долларини қўлга киритиб, берган ваъдасини бажармай, пулларини қайтармасдан келганини, ҳолат юзасидан Юнусобод тумани ИИО ФМБга ариза билан мурожаат қилганини, терговда [REDACTED] бу [REDACTED] эканини билганини, ҳозирда [REDACTED] нинг қариндошлари томонидан унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини, пуллари тўлиқ қайтарилганини, унга нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини баён этиб берган кўрсатуви;

жабрланувчи [REDACTED] нинг дастлабки терговда берган кўрсатувини тасдиқлаб, судда 2020 йил 5 август куни она ва акаларини қабрини зиёрат қилиш учун “Минор” қабристонига борганини, онаси ва акаларини қабри ёнма-ён бўлгани сабабли, қабрни атрофини мармар тош билан ўратмоқчи бўлиб, ушбу ерда ишловчи [REDACTED] билан танишганини, [REDACTED] га онаси ва акаларини қабри атрофини мармар тош билан ўраб беришини айтганида, у рози бўлиб, ушбу харажатлар иш ҳақи билан жами 4.700.000 сўм



бўлишини, ишни бир ҳафта ичида якунлашини айтганини, заклат тариқасида эса 500.000 сўм беришини билдирганини, [REDACTED] ёнида бўлган 500.000 сўмни берганини, эртаси куни яна ушбу қабристонга келиб, уни ичида [REDACTED] га 500.000 сўм берганини, эртаси куни [REDACTED] унга кўнғироқ қилиб, автомашинаси жарима майдонига кириб қолганини, шу сабабли автомашинасини у ердан чиқариш учун 2.000.000 сўм бериб туришини, ушбу пулни берадиган пулидан айириб ташлашини айтганини, [REDACTED] билан қабристонга бориб кўришиб, [REDACTED] га 2.000.000 сўм пул берганини, унга берган жами пули 3.000.000 сўмни ташкил қилганини, ушбу вақтда [REDACTED] қандай ишларни амалга оширганини текшириш мақсадида, онаси ва акаларини қабрини текширганида, қабр атрофи бетон билан ўралган, бетон атрофи эса 30% қисми мармар билан ўралган эканини, эртаси куни яна қабристонга бориб, [REDACTED] билан кўришиб, унга 700.000 сўм берганини, орадан бир ҳафта ўтганини, аммо [REDACTED] ундан келишилган жами 4.700.000 сўмдан 3.700.000 сўмни олиб, ишни охиригача битказиб бермаганини, яъни қабр атрофини бетон билан ўраб, қабр атрофини 5-6 метр ҳажмини мармар билан ўраб қўйганини кўрганини, аммо келишилган қабр устини мармар билан қопламаганини, қабрни эски мармарини олиб ташламаганини ва бошқа ҳаракатларни амалга оширмаганини, [REDACTED] ундан келишилган пулни тўлиқ олиб, 25% ишни бажариб, қолган ишни амалга оширмаганини, [REDACTED] га бир неча маротаба кўнғироқ қилиб, ишни охиригача битказиб беришини айтганида, у унга турли баҳоналарни важ қилиб, эрта-индин битказиб беришини айтиб, уни алдаб келганини, ҳозирда [REDACTED] нинг қариндошлари томонидан унга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини, пуллари тўлиқ қайтарилганини, унга нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини баён этиб берган кўрсатуви;

томонларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилган гувоҳлар [REDACTED] ва [REDACTED] нинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари;

бирламчи ҳужжатлар, тушунтириш хатлари, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, сўроқ қилиш баённомалари, юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи [REDACTED] нинг жиноий ҳаракатлари юридик квалификациясига баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди - *фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни такроран, хавфли рецидивист томонидан қўлга киритиш* квалификация белгилари билан тўғри квалификация қилинган деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозим”лиги, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо



адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд судланувчи [REDACTED] га жазо турини танлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7, 8-моддаларида кўрсатилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчини айбига тўлиқ иқrorлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланганини, жиноят содир этилишидаги роли ва ўрнини, иш бўйича зарар мавжуд эмаслигини, оилавий шароитини, ёшини, қарамоғида онаси борлигини ҳамда ишдаги жазони ҳам енгиллаштирувчи ҳам оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўлламаздан, модда санкциясида кўрсатилган жазо тайинлашни лозим деб топади.

Шунингдек, суд судланувчи [REDACTED] жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2020 йил 12 июндаги ҳукми билан тайинланган жазони ўташ даврида қасддан янги жиноят содир этганини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида жазо тайинлашни лозим топади.

Суд жабрланувчиларга етказилган моддий зарарни ундириш масаласини муҳокама қилиб, жабрланувчилар [REDACTED], [REDACTED] ва [REDACTED] нинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин ва унга шу модда билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 70 баравари, 15.610.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2020 йил 12 июндаги ҳукми билан белгиланган жазонинг ўталмай қолган қисмини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташлик учун [REDACTED] га базавий ҳисоблаш миқдорининг 70 баравари, 15.610.000 сўм жарима ва иш ҳақининг 15 % давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан [REDACTED] нинг 2020 йил 27 октябрдан 19 январга қадар (85 кун) дастлабки



қамоқда сақланган ҳар бир кунини базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига тенглаштириб, ушбу миқдорни тайинланган жазодан айириб ташлаб, узил-кесил ўташ учун [REDACTED] га базавий ҳисоблаш миқдорининг 27,5 баравари, 6.132.500 сўм жарима ва иш ҳақининг 15 % давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жарима ва ахлоқ тузатиш ишлари жазолари алоҳида-алоҳида ижрога қаратилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси муддати ҳукм амалда ижрога қаратилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижросини амалга ошириш Тошкент шаҳри Олмазор туман ИИО Пробация бўлимига зиммасига юклатилсин.

[REDACTED] га нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у суд залида қамоқдан озод этилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация инстанциясига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

/имзо/

А.Шамахмудов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри:

